

ЮЗ ЖАҒ ТИЗИМИ АЪЗОЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ПАТОЛОГИЯСИДА АҲАМИЯТЛИ ОМИЛЛАР

Гаффаров С.А., Идиев Г.Э., Дурдиев Ж.И.

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ Резюме,

Мақолада юз-жағ соҳасидаги морфологик тузилишнинг инсон руҳий - психологик дунёсини тушинишда аҳамияти, соҳадаги аъзо ва тўқималарни шаклланишида аҳамиятли ташқи ва ички омилларнинг ўрни, нуқсонларни келиб чиқишини олдини олиш, даволаш ва ўзгаришларни эрта башоратлаш йўналишидаги илмий изланишлар таҳлил қилинган, шунингдек юз-жағ соҳасидаги архитектураник ҳолатни яхшилашга аҳоли орасида талаб ортиши, бу йўналишда илмий изланишлар давом эттирилишига эҳтиёж мавжудлиги такидланган.

Калит сўзлар: юз-жағ анатомияси, юз-жағ касалликлари, нафас олиш тизими касалликлари, фацциал архитектура, гўзаллик.

ФАКТОРЫ В ФОРМИРОВАНИЕ ПАТОЛОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В ЧЕЛЮСТНО ЛИЦЕВОМ ОБЛАСТИ

Гаффаров С.А., Идиев Г.Э., Дурдиев Ж.И.

Бухарский государственный медицинский институт.

✓ Резюме,

В данной статье указаны значение морфологического строения челюстно-лицевой области в психофизиологическом состоянии человека, значение роли внешних и внутренних факторов в формировании органов и тканей полости рта, проанализированы научные исследования по направлениям профилактики, лечения и раннего прогнозирования пороков развития челюстно-лицевой области, а также рост спроса среди населения на улучшение состояния архитектуры в ЧЛО, также указана необходимость продолжения научных исследований по данным направлениям.

Ключевые слова: анатомия челюстно-лицевой области, патологии челюстно-лицевой области, патологии дыхательной системы, фацциал архитектура, красота.

FACTORS IN THE FORMATION OF PATHOLOGICAL PROCESSES IN THE MAXILLO FACIAL REGION

Gaffarov S.A., Idiev G.E., Durdiev J.I.

Bukhara State Medical institute.

✓ Resume,

This article indicates the importance of the morphological structure of the maxillofacial region in the psycho-physiological state of a person, the role of external and internal factors in the formation of organs and tissues of the oral cavity, analyzes research in the areas of prevention, treatment and early prognosis of malformations of the maxillofacial region, as well as the growing demand among the population for improving the state of architectonics in the maxillofacial region, the need for continuing research on these areas is also indicated.

Key words: anatomy of the maxillofacial region, pathology of the maxillofacial region, pathology of the respiratory system, facies architectonium, beauty.

Долзарблиги

Инсоннинг юз тузилиши шахслар орасидаги ўзаро мулоқот жараёнида аҳамиятли; санъат арбоблари, анатомлар, руҳиятшунослар, тиббиёт мутахассисларининг жумладан пластик жарроҳлар, юз-жағ жарроҳлари, стоматологлар, дерматологлар фаолиятида тадқиқот объекти сифатида муҳим. Аксарият; юздаги нуқсонларнинг даволаш, келиб чиқиши мумкин бўлган юз диспропорцияларини олдини олиш ва бартараф этишда юз архитектуранинги инсоннинг шахсий гармонияси билан боғлиқлигини билиш, келажакда шахснинг юз шаклини сақлаб қолиш ёки ўзгартириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ташқи жозибдорлик аксарият инсонларга хос туйғудир, негаки жозибали чеҳра шахслар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ўрнатилишига ёрдам беради, ташқи кўриниш-

нинг аҳамияти танловда ва ишда ютуқларга эришишда сабаб бўлади [9,16,21].

Инсон организми тузилиши ва фаолиятидаги симметрик ҳолатни ўрганиш XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, асосий назарий йўналишларни ёритувчи монографиялар чоп этилиши ва уларнинг негизида "симметрия-асимметрия" муаммосига эътибор қаратилганлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда калла суягининг юз қисми - юз шаклида ўз аксини топадиган калла суягининг (ўнг ва чап) морфофункционал тавсифларидаги фарқлар, юз асимметрияси - ўзига хос гўзаллик омили ва ҳолат генетик омилига (95% ўнақай) асосланган юз мушаклари тонусининг фарқланиши, юмшоқ тўқималар, томирлар ўзгариши, ҳамда иннервациянинг турли мезонлари; мушак тизимининг суяклар ҳосил бўлишига таъсири остида шаклланиши фикри илмий асосланган. Масалан: одам физиология-

сида симметрия ва асимметрия бу фрагментал табиатга хосдир; симметриядан шакл ва функцияларнинг огиш даражаси ва сабаблари, билатерал, функционал асимметрияда намоён бўлади деган фикри замонавий илмий қарашларимиз билан ҳамоҳангдир. Шунингдек, одам организмидаги биологик жараён ва дуализмнинг алоқасини исботловчи омиллар кўринишидаги биологик ўрни ноаниқлигини, организм тузилиши ва функциялари билан боғланган "симметрия-асимметрия" мослашиш, гомеостаз, ўзини назорат қилиш каби тирик тизимларнинг универсал хусусиятлари тушунчалари етарли ўрганилмаганини такидлайди (К.Д.Чермит).

Калла - юз қисми хилма хил суяк структуралари ва уларнинг ҳосилалари орасида, косметик ва эстетик жиҳатдан марказий ўринни ташқи бурун эгаллайди, унинг шакли ва ўлчамлари инсон юзининг гўзаллигини белгилаб бериши тўғрисида фикрлар мавжуд [6]. Шунингдек косметологлар, юз-жаҳ жарроҳлари, стоматологлар, суд-тиббиёт мутахассислари, руҳшунослар, антропологлар томонидан олиб борилган илмий ишлар [3,8,14,10,11,12,13,23,24], бош ўлчамлари соматотиплар нисбати ва одам танаси пропорцияларини ўрганишлар сони ортиши илмий мавзу юзасидан илмий таҳлиллар якунланмаганлигини ва давом этиб келаётганини тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда стоматология уч йўналишда: - юз-жаҳ соҳаси (ЮЖС) тузилишини, фаолиятини ўрганиш; - эстетик жиҳатидан табиийликга эришишга, шунингдек - шахснинг руҳий физиологик ва соматик жиҳатидан соғлигини таъминлаши ривожланмоқда. XXI аср стоматология амалиётида тишларни қайта тикланишда эстетик жиҳатларига эътибор кучайди; гўзал табассум нафақат ёшларда балки катталарда ҳам жозиба даражасига кўтарилди. Индивидуумнинг ирқий ўзига хослиги, тишлар ва юз юмшоқ тўқималарининг эстетик эталони, тиш ва юз юмшоқ тўқималарининг табассум вақтидаги эстетик параметрлари ирқ ва жинсга инобатга олинадиган ҳамда юз жозибаси салмоқли руҳий-ижтимоий омил сифатида инсон ҳаётида муҳимдир [4,9,16].

Сўнгги 5-10 йилларда Россияда ўтказилган клиник-эпидемиологик тадқиқотлар, ёшлар ўртасида ЮЖС эстетик нуқсонлари тарқалганлиги 30,0% идан 80,0% гача ўсганини, шунингдек улар орасида юз ва табассум эстетикасини яхшилаш мотивациясига талабнинг кескин ўсишини кўрсатмоқда. Юз асимметрияси ташхиси, юзнинг асосий кўрсаткичларини салмоқли ўзгаришларига сабаб йирик морфологик ва эстетик бузилишлар билан ёндош кечувчи жиддий нуқсонларга кирмайди ва скелетга хос, функционал, мушакга, бўғимга оид, яллиғланиш жараёнлари ёки янги ҳосил бўлган тўқималар, суяк синишлари оқибатида жағ суяқларининг нотўғри битиши туфайли шикастдан кейинги асимметрия эканлигини такидлайди. Ёшлар орасида 67,7% ҳолатда табассум макро- ва микроэстетикаси кўрсаткичларининг тизимли таҳлили юз, лаблар, милк ва тиш кўрсаткичларининг оптимал мувозанатидан дарак берди. "Ёш" табассум эстетикасининг йўқотилишида энг кўп тарқалган аломатлари аниқланди: юз вертикал ўлчамларининг диспропорцияси, "лунж бўшлиқлари" шаклланиши туфайли табассум тўлиқлиги йўқотилиши, табассум асимметрияси ва табассум чизиғи бузилиши, контуртопографик ва ранг-мазмун кўрсаткичларида огишлар ва милкнинг ҳаддан ортиқ визуализацияси, юқори

фронтал курак тишларининг зич жойлашуви, нисбий макроденцияси ва юқори латерал курак тишлари микроденцияси, сифатсиз реставрациялар ва фронтал тишлар кариесини ҳисоблаш мумкин [13].

Тиш-альвеоляр ва скелет нисбатидаги юз-тиш-жағ тизимида асимметрик нуқсонларининг ўсишига сабаб: овқат таркибининг ўзгариши, ЛОР-аъзолари патологияларининг ортиши, чайнашда нотўғри ҳаракатлар, ёмон одатлар, экологик ҳолат ёмонлашиши, инсон филогенезида қайта шаклланиши деб кўрсатилса [20,23,24], юзнинг асимметрияси ҳар бир инсоннинг индивидуал ўзига хослигида, ҳаттоки бир тухумли эгизакларда ҳам фарқ омиллари мавжудлиги турли қарашларни шаклланишига сабаб бўлиб келмоқда [6].

Кейинги йилларда ЮЖС эстетикасини яхшилашда ортодонт шифокор етарли ижобий самарага эриша олмаса, пластик жарроҳларнинг фаол иштироки муҳимлиги тўғрисида маълумотлар ҳам келтирилмоқда. ТЖС жойлашуви ва ўлчамларини ўрганишда юз профили гармоник монандлигини баҳолаш имконини берадиган текшириш услублари ва янгиларига эҳтиёж ортиши илмий изланиш ва муҳокамалар давом этаётганлигини тасдиқламоқда.

Юз ифодаси нафақат экспрессив эмоцияларни, балки юз элементларидан бири, унинг шакли сифатида намоён бўлувчи структуравий-морфологик жиҳатларини ҳам акс эттиришини илмий ишларда такидлашган [5]. Инсон индивидуал-руҳий хусусиятларини ортиқча бўрттиришсиз билиш санъати стоматологияда ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, аралаш турдаги даволаш муолажалари кенг қўлланилиши, қисқа муддатларда ТЖТ функциясини ўзгартириш билан ташқи қиёфани ҳам ўзгартириш имконини беради, бу эса беморларнинг аралаш турдаги даволаш муолажаларига мотивацияси, даволаш жараёнларининг самарадорлиги, қониқишлари, руҳий ҳолатлари ўрганилган [9,23,24].

Тадқиқотларда, одам тишлари тузилиши, ТЖС морфологик структураларида жинсга оид диформизми белгилар бўлиши, жинсга мансублик ва бош суяги шакли, тиш ёйлари ва юз тури орасидаги ўзаро алоқа мавжудлиги, шунингдек инсон соматотипига мувофиқ суяк конституциясининг хилма хил турлари, тиш шакллари ва тиш ёйлари таърифлашда ТЖТ ўрганишга бағишланган илмий изланишлар жуда камлигини такидлашган [19].

Қиёсий ташхислаш, даволашни режалаштириш ва башоратлашни такомиллаштириш учун, дистал тишловда калла суяги юз қисми тузилиш хусусиятларини ўрганиш мақсадида олиб борилган илмий изланишларда, сфенокраниал бўлимнинг ўсишдан ёшига нисбатан кечга қолиши ва 7 ёшдан кейин дистал тишловда тезкор ўсиш кузатилиши аниқлаган, патогенезда - дистал тишловда юз гнатик қисмларининг ривожланиши ва шаклланишини эрта ўрганиш ҳамда башоратлаш имконини берган. Ушбу илмий изланиш, юз ва инклинацион бурчаклар ўлчамларининг нафақат меъёри асослаган, балки, А.М. Schwarz фикрини ҳам яна бир бор тасдиқлаган. Муолажа натижасида; пастки жағнинг сағиттал ва вертикал ўсиши, апикал базиси билан тиш ёйи мезиал силжишини стимуллаш эвазига пастки жағнинг юз бўшлиғидаги жойлашуви ва эстетикаси яхшиланиши, шунингдек дистал тишловга хос турларини даволашнинг алгоритмини тавсия этган.

Бошқа бир илмий тадқиқотда, ташхислаш бўйича ёндашувлар ва окклюзиянинг сагиттал нуқсонлари бўлган беморларни даволаш услубларини такомиллаштириш мақсадида олиб борган илмий изланишлари натижасида, ўзгарувчан тишлов давридаги сагиттал нуқсонлари бўлган беморларда морфофункционал бузилишларнинг ташхиси даволаш-профилактика чоратадбирлари режаси, нуқсонни эрта башоратини аниқлаб берди, шунингдек тўлиқ окклюзион алоқалар бўлиши, жағ суяқларининг ўзаро тўғри жойлашиши ва оғиз олди соҳасидаги мушакларнинг миодинамик мувозанатини яратилиши муҳимлиги ҳам илмий асосланган. Муаллиф; дистал ва мезиал окклюзия ташхиси бўлган беморларда окклюзия сагиттал нуқсонларини ташхислаш сифати ортди, ҳар бир беморнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олганда ва даво усулини рационал танлаганда самараси юқорилигини бўлишини такидлайди (Убирия Юлианна Игоревна).

Тиш қаторларининг III даражали мезиал окклюзияси бўлган беморларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш мақсадида, чайнов мушаклари ва оғизнинг айлана мушаклари тонусини ўрганиб, уларни комплекс даволашда калла суяги юз қисми кўрсаткичлари, чайнов мушаклари ва оғизнинг айлана мушаклари тонуси компьютерда мослаштирилган дастур моделлаштирди (Царик Весела Стоичкова).

Аденоидлари бўлган болаларда тиш-жағ нуқсонларини ташхислаш, профилактика қилиш ва даволаш услубларини такомиллаштириш мақсадида олиб борган илмий тадқиқотлар натижасида, аденоидлар туфайли бурундан нафас олиш қийинлашиши синдроми, тиш қаторлари окклюзияси нуқсонлари ривожланиши, бурундан нафас олиш қийинлашиши синдромида ЮЖСнинг бузилишларини бирга кечиши хавфи юқорилигини кўрсатди. Муаллиф; миофункционал мосламани қўллаш орқали ортодонтик даволаш юқори нафас йўлларидаги ҳажмини кенгайтиришга ёрдам беришини асослаган (Евдокимова Наталья Анатольевна). Айни йўналишда; яъни бурундан нафас олиш бузилиши бўлган беморларда ортодонтик даволашга бағишланган илмий тадқиқотда бошқа бир тадқиқотчи (Царькова Оксана Александровна) бурундан нафас олиши қийинлашган 4-7 ёшдаги болаларнинг ортодонтик даволаш жараёнида юз профиллари ўзгаради дейди, шунингдек у, этиологик омиллар ва ТЖНнинг мазкур патологияга оид клиник аломатларини тизимлаштирди, ҳамда - беморларни ортодонтик даволашга ҳар бирига индивидуал дифференциал ёндашиш самарадорлигини тасдиқлади [23,24].

Сўнгги йилларда хориж олимлари орасида ҳам юз қисмларининг ўзига хосликларини ўрганиш, юз тузилиши бўйича шахс тавсифлари бўйича катта тажрибаларга эришишмоқда. Масалан: бош ярим шарларнинг фаолиятидаги тенгсизлик тўғрисидаги фикрини, инсон юз соҳаси чап ва ўнг қисмини ўзаро мутаносиблик молекуляр нисбатда бузилиши тўғрисидаги қараш билан инкор этди ва молекуляр асимметриясизланишларга асос бўлиб, латерал органик бирикмаларни изчил ўрганишга асос солинди (Л.Пастер). Бу фикрларни бошқа муаллифлар ҳам клиник тадқиқотларида, (A.W. Speny, 1961) сўнг эса бошқалари "расщепленный мозг", яъни "тўзгиган; ёрилган мия" номли тадқиқотлари билан мустақамлашди (С. Спингер ва Г. Дейч).

Бошқа бир муаллиф, юз аксарият ҳолларда жозибдорлиги шахснинг идентификация ва коммуникаци-

ясида асосий воситаси ҳисобланади, дейди яъни -63% беморларнинг ташқи кўринишлари уларнинг шахсий ҳаётларида муаммоларни ечимда ижобий ҳолат - 44% да салбий ҳолат таъсир кўрсатганини такидлайди [9].

Нафақат Россия ёки собиқ Совет давлатлари ҳудидаги ёшлар орасида, балки узоқ чет эллик ёшларда ҳам кўп ҳолларда ортодонт мутахассисга мурожат этадиганлар тиш ва юзнинг эстетик жиҳатидан яхшилаш истагини билдиришган [16]. Биргина оммавий ахборот воситалари ва экранларда ишлаш учун "антропометрик стандарт" талаблари туфайли юз архитектура-сида ўзгартириш қилиш мақсадида реконструктив жарроҳлик амалиётларига эҳтиёж кейинги йилларда янада авж олмақда [2].

Дунё адабиётларида ҳам сўнгги ўн йилликда илм-фаннинг турли соҳаларида "олтин пропорция" ва унинг қонуниятлари ўзига хос услубий тамойил сифатида қўлланилган йирик ишлар эълон қилинмоқда; жумладан XX асрнинг 60-70 йилларида америкалик ортодонт шифокори Р. Рикеттс[15], 2003 йилда келиб бошқа бир муаллиф, ва ҳаммуаллифлар [22], Ўзбекистондан Р.К. Якубов., С.С. Муртазиевларни ишларини санаб ўтишимиз мумкин. Ушбу муаллифлар юзнинг юқори ва пастки бўлими вертикал баландлигини аниқлашда қадимда рассомлар ва математиклар белгилаб кетган ўлчовлар, антропометрик эквивалентлар ва пропорциялар аҳамиятини яна бир бор асослаб беришди.

Бошқа бир муаллиф [1] Европа ирқида мансуб одамларни ортогнатик тишлов аломатларининг тарқалганлиги бўйича: а) асосий (пастки тиш қатори юқори тиш қатори билан фронтал майдонда тиш қопламасининг 1/3 қисмига ёпади; ҳар бир тиш икки антагонисти бўлади; тиш қопламалари баландлиги марказий курак тишлардан молярларга нисбатан камайиб боради; кўпсонли фиссур-дўнгил алоқа) б) иккинчи даражали (марказий курак тишлар орасидаги ўрта чизиқнинг мос келиши; ўнг ва чап томондан Энгль бўйича окклюзиянинг I синфи) Европа ирқида мансуб одамларда юқори тиш ёйининг энг кўп тарқалган шакли эгри овал шакл билан тавсифланади (93,0%), пастки тиш ёйининг шакли эса 100 % ҳолатда параболик бўлишини аниқ илмий асосланган тавсифини бериб ўтган.

Аксарият табиатшунослар симметрия тамойилини концептуал тизим даражасида қабул қиладилар, бу тизим бутун олам тириклик жараёнларининг чуқур бирдамлик фундаментал назариясининг шаклланишида иштирок этади. Юнонистон ва Румда гўзалликнинг умум қабул қилинган таърифи пропорционалликдан ташқари ранг (ва ёруғлик) жозибадорлигидан ҳам иборат бўлиши тўғрисида маълумотлар ҳам мавжуд.

Юқорида келтирилган адабиётдаги илмий-амалий таҳлилларнинг натижалари асосида: ЮЖС нафақат инсоннинг гўзаллиги, жамоатчилик орасидаги руҳияти ва фаолиятидаги касбий чўққини белгилайди, балки меъёрий ҳаёт тарзидаги аъзолар фаолиятининг ўзаро мутаносиблигини, ирқини, географик жойлашувидаги шаклланишга таъсир этувчи ташқи ва ички омилларнинг кўриниши экани яна бир бор тасдиқланган. Муаммога бағишланган илмий изланишлар бир-неча юз йиллардан давом этиб келаётганига қарамадан, ҳануз ЮЖС аъзо ва тўқималаридаги индивидуал хусусиятлар, шаклланиши, асимметрик омиллар, инсонларнинг юз-жағ ва тиш аъзоларининг ижтимоий жамиятдаги аҳамиятига боғлиқ ва кейинги йилларда ин-

сон мовкѣйиини баҳоловчи омил бўлиб бораётганлиги, мутахассисларга мурожаатнинг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ:

1. Адамчик А.А. Исследование функции внешнего дыхания у пациентов с вертикальными аномалиями прикуса / А.А. Адамчик // Ортодент-инфо. 2000; 1-2: 48-49. [Adamchik A.A. Issledovanie funktsii vneshnego dikhaniya u patsientov s vertikalnymi anomaliami prikusa / A.A. Adamchik // J Ortodont-info. 2000; 1-2: 48-49. (In Russ)]
2. Баиндурашвили А.А. Морфо-функциональные параметры лица, влияющие на его эстетическое восприятие. Автореф. дис. ... канд. мед. наук. - СПб., 2011; 22. [Baindurashvili A.A. Morfo-funksionalnie parametri litsa, vliyayushie na ego esteticheskoe vospriyati. / Avtoref. dis. ... kand. med. nauk. - SPb., 2011; 22. (In Russ)]
3. Болдырев Ю.А. Возрастные особенности эстетической реставрации зубов. Дис. ... канд. мед. наук. - Екатеринбург, 2001; 147. [Boldirev Yu.A. Vozrastnie osobennosti esteticheskoy restavratsii zubov. Dis. ... kand. med. nauk. - Ekateriburg, 2001; 147. (In Russ)]
4. Гилева Е.С. Системный анализ параметров макро- и микроэстетики улыбки у лиц молодого возраста и его динамика в процессе лечения скученного положения зубов во фронтальном отделе. Автореф. дис. ... канд. мед. наук. - Пермь, 2007; 22. [Gileva E.S. Sistemniy analiz parametrov makro- i mikroestetiki ulibki u lits molodogo vozrasta i ego dinamika v protsesse lecheniya skuchennogo polozheniya zubov vo frontalnom otdel. / Avtoref. dis. ... kand. med. nauk. - Perm, 2007; 22. (In Russ)]
5. Дивеев Д.А. Роль формы лица в восприятии индивидуально-психологических характеристик человека: / Автореф. дис. канд. мед. наук. - М., 2009; 18. [Diveev D.A. Rol formi litsa v vospriyatii individualno-psixologicheskikh karakteristik cheloveka: / Avtoref. dis. kand. med. nauk. - M., 2009; 18. (In Russ)]
6. Дубовик Е.И. Асимметрия лицевого черепа при различных его формах у взрослого человека. / Автореф. дис. канд. мед. наук. - СПб., 2009; 15. [Dubovik E.I. Asimmetriya litsevoogo cherepa pri razlichnix ego formax u vzroslogo cheloveka. / Avtoref. dis. kand. med. nauk. - SPb., 2009; 15. (In Russ)]
7. Евдокимова Наталья Анатольевна Комплексный подход к диагностике, профилактике и лечению зубочелюстных аномалий у детей с аденоидами тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 14.01.14, кандидат медицинских наук 2011. [Evdokimova, Natalya Anatolevna Kompleksniy podkhod k diagnostike, profilaktike i lecheniyu zubochelyustnix anomalii u detey s adenoidami. tema dissertatsii i avtoreferata po VAK RF 14.01.14, kandidat meditsinskikh nauk 2011. (In Russ)]
8. Канунникова С.В. Прогнозирование эстетических результатов лечения больных с полным отсутствием зубов. / Автореф. дис. ... канд. мед. наук. - СПб., 2010; 19. [Kanunnikova S.V. Prognozirovaniye esteticheskikh rezul'tatov lecheniya bolnix s polnim otsutstviem zubov. / Avtoref. dis. ... kand. med. nauk. - SPb., 2010; 19. (In Russ)]
9. Коваленко А. В. Оценка восприятия эстетики лица пациентами с гнатическими формами аномалий окклюзии до и после комбинированного лечения. Дис. ... канд. мед. наук. - М.: 2011; 166. [Kovalenko A. V. Otsenka vospriyatiya estetiki litsa patsientami s gnaticeskimi formami anomalii okklyuzii do i posle kombinirovannogo lecheniya. Dis. ... kand. med. nauk. - M.: 2011; 166. (In Russ)]
10. Ломиашвили Л.М., Седельников В.В., Рахметов В.Р. Искусство моделирования зубов через призму "золотого сечения". Институт стоматологии. 2006; 2: 80-89. [Lomiashvili L.M., Sedelnikov V.V., Rakhmetov V.R. Iskusstvo modelirovaniya zubov cherez prizmu "zolitogo secheniya". Institut stomatologii. 2006; 2: 80-89. (In Russ)]
11. Луцкая И.К. Эстетическое лечение зубов при нарушении симметрии // Современная стоматология. - 2008; 3: 16-20. [Lutskaia I.K. Esteticheskoe lechenie zubov pri narushenii simmetrii // Sovremennaya stomatologiya. - 2008; 3: 16-20. (In Russ)]
12. Мастерова И.В. Эстетические параметры зубов и улыбки у представителей европеоидной и монголоидной рас. Автореф. дис. ... канд. мед. наук. - М., 2005; 19. [Masterova I.V. Esteticheskie parametri zubov i ulibki u predstaviteley evropeoidnoy i mongoloidnoy ras. Avtoref. dis. ... kand. med. nauk. - M., 2005; 19. (In Russ)]
13. Николаева Е.Ю. Влияние асимметрии лицевого скелета на степень тяжести аномалий зубочелюстной системы и ее ортодонтическая коррекция. / Автореф. дис. ... канд. мед. наук. - Тверь, 2007; 19. [Nikolaeva E.Yu. Vliyaniye asimmetrii litsevoogo skeleta na stepen tyazhesti anomalii zubochelyustnoy sistemi i ee ortodonticheskaya korrektsiya. / Avtoref. dis. ... kand. med. nauk. - Tver, 2007; 19. (In Russ)]
14. Перегудов А.Б. Диагностика эстетических нарушений и планирование комплексной реабилитации в клинике ортопедической стоматологии. Дис. ... д-ра мед. наук. - М., 2006; 283. [Peregudov A.B. Diagnostika esteticheskikh narusheniy i planirovaniye kompleksnoy reabilitatsii v klinike ortopedicheskoy stomatologii. Dis. ... d-ra med. nauk. - M., 2006; 283. (In Russ)]
15. Принципы эстетической стоматологии. URL: <http://www.esthetics.ru/tree/>. (Дата обращения 28.09.2015). [Prinsipi esteticheskoy stomatologii. URL: <http://www.esthetics.ru/tree/>. (Data obrasheniya 28.09.2015).
16. Талалаева Е.В. Оценка эстетики лица у лиц с физиологической окклюзией зубных рядов при помощи 3D-сканер-системы. / Автореф. дис. ... канд. мед. наук. - М., 2012; 88. [Talalaeva E.V. Otsenka estetiki litsa u lits s fiziologicheskoy okklyuziyei zubnix ryadov pri pomoshi 3D-skaner-sistemi. / Avtoref. dis. ... kand. med. nauk. - M., 2012; 88. (In Russ)]
17. Убيريа Юлианна Игоревна Морфофункциональные нарушения и их коррекция у пациентов с сагитальными аномалиями окклюзии в периоде смены зубов тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 14.01.14, кандидат медицинских наук 2013. [Ubiriya Yulianna Igorevna Morfofunktsionalnie narusheniya i ix korrektsiya u patsientov s sagittalnymi anomaliami okklyuzii v periode smeni zubov tema dissertatsii i avtoreferata po VAK RF 14.01.14, kandidat meditsinskikh nauk 2013. (In Russ)]
18. Царик Весела Стойкова Морфометрические изменения зубочелюстно-лицевых параметров при комплексном (ортодонтическом и хирургическом) лечении пациентов с мезиальной окклюзией : кандидата медицинских наук : 14.00.21 / [Место защиты: Моск. гос. мед.-стоматолог. ун-т]. - Москва, 2008; 23. [Sarik Vesela Stoichkova Morfometricheskie izmeneniya zubochelyustno-litsevih parametrov pri kompleksnom (ortodonticheskom i khirurgicheskom) lechenii patsientov s mezialnoy okklyuziyei : kandidata meditsinskikh nauk : 14.00.21 / [Mesto zashiti: Mosk. gos. med.-stomatolog. un-t]. - Moskva, 2008; 23. (In Russ)]
19. Щербаклова Л.В. Взаимотношение морфометрических параметров зубных дуг с размерами челюстно-лицевой области у долихоцефалов. Автореф. дис. ... канд. мед. наук. - Волгоград, 2005; 22. [Sherbakova L.V. Vzaimootnosheniye morfometricheskikh parametrov zubnix dug s razmerami chelyustno-litsevoy oblasti u dolixotsefalov. / Avtoref. dis. ... kand. med. nauk. - Volgograd, 2005; 22. (In Russ)]
20. Яркин В.В. Определение симптомокомплекса нарушений в зубочелюстно-лицевой системе при асимметрии нижней челюсти у детей и подростков. Дисс. канд. мед. наук. - М., 2009; 111. [Yarkin V.V. Opredeleniye simptomokompleksa narusheniy v zubochelyustno-litsevoy sisteme pri asimmetrii niyney chelyusti u detey i podrostkov. Diss. kand. med. nauk. - M., 2009; 111. (In Russ)]
21. Almstrand A.C., Josefson M., Bredberg A. et al. Methodological studies of orofacial aesthetics, orofacial function and oral health-related quality of life // Swed. Dent. J. Suppl. 2010; 204: 11-98
22. Bratu D., Ieremia Z., Uram-uculescu S. Bazele clinice? itehnice ale proteze? riiedenta? iei totale. Timi? oara, editura imprimeriei de vestoradea, 2003; 87: 185-188.
23. Gaffarov S.A. Nurova S.H. N. Maxillofacial anomalies in children with chronic tonsillitis and immunity factors, hypoxia and endogenous intoxication for the development and formation of pathology. <http://www.ijpronline.com/ViewIssue.aspx?Volume=25&Issue=52>. International journal of pharmaceutical research
24. Gaffarov S.A. Yarieva O.O. Importance of medical and social factors in etiology of carious and non-carious diseases of children. <http://www.ijpronline.com/ViewIssue.aspx?Volume=25&Issue=52>. International journal of pharmaceutical research
25. Cheong Y.W., Lo L.J. Facial asymmetry: etiology, evaluation, and management // Chang Gung Med J. 2011; 34(4): 341-351.
26. Sousa Dias N., Tsingene F. SAEF Smile's Aesthetic Evaluation form: a useful tool to improve communications between clinicians and patients during multidisciplinary treatment // Eur. J. Esthet. Dent. - 2011. - Vol. 6, № 2. - P. 160-176.

Келиб тушган вақти 09.09. 2019